

“Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши тўғрисида муҳим факт

Умумий йиғилиш тури: навбатдаги

Умумий йиғилиш ўтказиш шакли: очик

Умумий йиғилиш ўтказилган сана: 2017 йил 14 июн

Умумий йиғилиш ўтказилган манзил: Шахрисабз шаҳри, “Ипак йўли” кўчаси, 170-уй

Умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар

1. «Шахрисабз вино-ароқ» АЖ акциядорларининг 2016 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини йиғилиш қатнашчилари томонидан тасдиқлансин;

2. «Шахрисабз вино-ароқ» АЖ Кузатув кенгашининг 2016 йил якунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгаши ҳисоботларини тасдиқлансин;

3. «Шахрисабз вино-ароқ» АЖ 2016 йил якуни бўйича жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг ҳулосаси йиғилиш қатнашчилари томонидан тасдиқлансин;

4. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раисининг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин;

5. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ ташқи аудиторининг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин;

6. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2016 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин;

7. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якунига бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар узайтириш қарори қабул қилинсин;

8. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳамда жамият кузатув кенгаши қарорига асосан қуйидаги тарзда тақсимлансин:

- Оддий акциялар учун дивидент тўлашга соф фойданинг 50 % яъни 2 240 331 500 сўм;
- Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, жамият ижроия органи ва ишчи-ҳодимларни рағбатлантиришга 10 % яъни 448 066 300 сўм;
- Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва келгусида жамият устав фондини оширишга 40 % яъни 1 792 265 200 сўм этиб белгилансин.

9. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг жойлаштирилган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш миқдори 1 дона оддий акция учун 2375,67 сўм қилиб белгилансин ушбу дивиденд учун ажратилган сумма қонунчиликда белгиланган 60 кун муддатда ичида пул маблағи кўринишида ёки пластик карточкаларга пул ўтказиш йўли билан тўлансин.

10. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 2017 йил учун тузилган “Бизнес-режа”си тасдиқлансин.

11. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари 19.05.2017 йилда “NAYMON INVEST CONSALTING” МЧЖ томонидан баҳоланган ҳисоботи тасдиқлансин.

12. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини ҳамда корхона ишчи-ҳодимларини фойда олиб борган даври учун рағбатлантириш жамиятда жорий қилинган, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи ҳамда корхона ишчи ҳодимлари фаолияти олиб борган давр учун тасдиқланган низомлар асосида тўлаб берилсин.

13. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзолари этиб кумулятив овоз бериш натижаларига кўра З.З.Якубов, А.А.Камалов, Ш.Ю.Садыков, Т.Д.Казаков, К.У.Худойбердиевлар жамият акциядорлари томонидан кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар сайлансин.

14. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссияси аъзолари этиб Н.Қодирқулов, С.С.Бутаяров, А.Жумаевлар жамият акциядорлари томонидан кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар сайлансин.

15. «Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш, 2017 йил учун ташқи аудиторлик ташкилоти этиб “KAFOLAT -LYUKS” МЧЖ тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақ миқдори 12 млн сўм қилиб белгилансин.

16. «Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖ молиявий ҳисоботларини БҲМС форматидан МҲҲС форматига трансформация қилиш бўйича “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT МЧЖ” тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақ миқдори 8 млн қилиб белгилансин.

17. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорлари томонидан белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган 12 663 881 сўм дивидендларни Ўзбекистон Республикаси “акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуний 51-моддасига асосан акциядор ёки меъросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорлар умумий йиғилиш қарорига асосан жамият ихтиёрига қолдирилсин.

18. Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлансин.

19. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини маъқуллаш тасдиқлансин.

20. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг собиқ ишчи ва ходимлар дам олиш биносини “Шаҳрисабз ноз-неъматлари” МЧЖ устав фондига таъсис улуши сифатида берилиши тасдиқлансин.

21. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ ихтиёрдаги эскириб қолган ва ишлаб чиқаришга лаёқатсиз асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш таклифи тасдиқлансин (жамиятда ташкил қилинган махсус комиссия иштирокида).

22. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг муддати ўтган 106 755 000 сўмлик дебеторлик қарздорликлар инвентаризация қилинган ҳолда ҳисобдан чиқарилсин.